

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМБАРОВ ИБРАГИМ АМОНОВИЧ

**ЕРОСТИ ШЎР СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЙОДЛИ
БИРИКМАЛАРДАН ЙОДНИ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации (DSc)
Content of abstract of dissertation doctor of science (DSc)

Умбаров Ибрагим Амонович

Ерости шўр сувлари таркибидаги йодли

бирикмалардан йодни ажратиш олиш технологиясини такомиллаштириш.....5

Умбаров Ибрагим Амонович

Усовершенствование технологий выделения

йода из йодных соединений содержащихся в подземных соленых водах.....29

Umbarov Ibragim Amonovich

Improvement of iodine extraction technologies

from iodine compounds contained in underground saline waters55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

УМБАРОВ ИБРАГИМ АМОНОВИЧ

**ЕРОСТИ ШЎР СУВЛАРИ ТАРКИБИДАГИ ЙОДЛИ
БИРИКМАЛАРДАН ЙОДНИ АЖРАТИБ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2017.1.DSc/T14 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ionx.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Тураев Хайит Худайназарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Намазов Шафоат Саттарович
техника фанлари доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси академиги

Шарипов Хасан Турапович
кимё фанлари доктори, профессор

Шамшидинов Исраилжон Тургунович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг 15 май 2018 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (12- рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил 30 апрел куни тарқатилди.
(2018 йил 30 апрелдаги 12- рақамли реестр баённомаси).

Б.С.Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С.Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., проф., академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда йоддан озик-овқат ва фармацевтика саноатида, тиббиёт ва ветеринарияда, минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади, у кимё саноатида катализатор сифатида, баъзи ўта тоза материаллар, махсус шиша, ёқилғи, синтетик каучуклар олишда қўлланилади. Шунингдек, йод эндемик бўқоқ ва бошқа касалликларнинг олдини олишнинг асосий омили ҳисобланади. Шу сабабли, республикамызда йод моддасига бўлган эҳтиёжни қондириш учун асосий манба ҳисобланган ерости гидротермал сувларидаги йодни саноат миқёсида ажратиб олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида таркибида йод моддаси бўлган ресурслардан фойдаланиб тиббиётда қўллашга мўлжалланган йод ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада тиббиёт, озик-овқат ва кимё саноати учун зарур бўлган йод олиш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таркибида йодли бирикмалар бўлган ерости шўр сувлари асосида йод моддаси олиш технологиясини ишлаб чиқишда қатор илмий ечимларни асослаш зарур: кислотали муҳитда бурғулаш сувларидаги йодид ионларини оксидлашнинг кинетикаси ва механизми учун мақбул технологик кўрсаткичларини аниқлаш; йод концентратидан йодни чўктириш учун оксидловчиларни танлаш ва жараённинг мақбул шароитларини аниқлаш ҳамда молекуляр кристалл йодни ажратиб олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш.

Республикамызда кимё саноатининг тиббиёт, фармацевтика ва ветеринарияга оид, шунингдек, озик-овқат каби соҳаларда ош тузини йодлаш ҳамда бошқа мақсадлар учун ишлатиладиган йод моддасига бўлган эҳтиёжни қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олишнинг технологиясини ишлаб чиқиш бўйича мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш¹»га қаратилган вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмаларни оксидлаш, ҳосил бўлган молекуляр йодни ҳаво билан десорбциялаш, ишқорли эритма билан абсорбциялаш ва кислотали муҳитда кристаллаш йўли билан йод олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони.

ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлари дастури тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Кристалл йод олишнинг самарали усуллари ва уларни амалга ошириш ускуналарини ишлаб чиқиш ва қўллашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Миллий илмий фонд (АҚШ), National Oceanic and Atmospheric Administration, NOAA (АҚШ), NERC - Natural Environment Research Council (Буюк Британия), Deutsche Forschungsgemeinschaft (Германия), Consejo Superior de Investigaciones Científicas, CSIC (Испания), Ямагата Ёшихиро экологик тадқиқотлар миллий институти (Япония), Ёмито Мотомура илғор саноат фанлари ва технологиялари миллий институти (Япония), National Commission for Scientific and Technological Research of the Republic of Chile, “CONICYT” (Чили), Department of Earth Sciences (Канада), Томск политехника университети Миллий тадқиқот маркази (Россия), Перм давлат Миллий тадқиқот университети (Россия), А.Н. Сысин номидаги РТФА инсон экологияси ва атроф муҳит гигиенаси илмий тадқиқот институти (Россия), Боку давлат университети (Озарбайжон), «Туркманкимё» давлат концерни кимё институти (Туркменистон), Термиз давлат университетида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунёда гидротермал сувларда йод ва унинг бирикмаларини аниқлаш ва ажратиб олиш, ерости шўр сувларидан кристалл йод олиш усуллари ва технологиясини ишлаб чиқишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: ерости гидротермал сувларида йоднинг топилиш шакллари ишлаб чиқилган (National Oceanic and Atmospheric Administration, NOAA, АҚШ,); сувдаги йодни аниқлашнинг титриметрик усули ишлаб чиқилган (Ямагата Ёшихиро экологик тадқиқотлар миллий институти Япония); денгиз сувдаги йодни аниқлашнинг фотометрик усули ишлаб чиқилган; (А.Н. Сысин номидаги РТФА инсон экологияси ва

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://en.wikipedia.org>; www.iied.org; www.nsche.org; www.gsj.jp; www.researchgate.net; www.iwu.edu; www.kubsu.ru ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

атроф муҳит гигиенаси илмий тадқиқот институти, Россия); ерости босимли сувлардан йодни ажратиш усули ишлаб чиқилган ва калий йодат ва перйодатнинг термик хусусиятлари тадқиқ этилган (Перм давлат Миллий тадқиқот университети, Россия).

Дунёда шўр сувлардан йод олишнинг турли усуллари ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: сувли эритмаларда йодни аниқлаш усуллари ишлаб чиқиш; бурғулаш сувларидаги йодид ионларини оксидлашнинг кинетикаси ва механизмини аниқлаш; йод концентратидан йодни чўктириш учун оксидловчилар танлаш ва жараённинг мақбул шароитларини аниқлаш; йод олиш технологиясининг ҳаво-десорбция, экстракция, ион алмашилиш ва электролитик усуллари такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда ерости шўр сувлари таркибидан йод моддасини ажратиб олиш бўйича ишлар кенг ёритилган. Ўзбекистонда йод сақлаган ерости саноат сувларини тадқиқ этиш натижалари Т.А. Авазов, Л.С. Балашов, Б.А. Бедер, С.С. Бондаренко, М.Г. Валяшко, Г.А. Голевая, Л.А. Калабугин, В.В. Красинцева, В.А. Кудряков, А.М. Овчинников, А.И. Перельман, К.Е. Питьева, Н.А. Плотников, Д.Ж. Сидыков, Л.В. Славянова, А.Е. Смирнов, А.Н. Султанходжаев, А.С. Хасанов, Е.А. Ходжакулиев, М. В. Швец, К.Д. Потаенко, С. Ишанходжаев, С. Бакиев, Р.А. Қулматов ва бошқаларнинг ишларида ёритилган бўлиб, бу муаммонинг ечилишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилган.

Юқорида қайд этилган олимлар томонидан, Сурхондарё ҳудудидаги ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш бўйича ҳозирга қадар илмий-тадқиқотлар олиб борилмаган. Ушбу диссертация иши ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олиш орқали, уни республиканинг кимё саноати ва фармацевтика соҳалари учун йўналтириш йод танқислигига бўлган эҳтиёжни бартараф этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим ёки илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Термиз давлат унивеситети илмий-тадқиқот ишлари режасининг И-8-3-сонли «Оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини ва турли оксидловчилар билан йод бирикмасининг турли шакллари ҳосил бўлиши механизмини ўрганиш» мавзусидаги инновацион (1997-2001 йй) ва АТ-20170926176-сонли «Сурхондарё вилоятидаги Хаудаг, Кокайти ва Учқизил манбаларининг ерости шўрланган сувларидан йод ва унинг бирикмаларини олиш» (2018-2020 йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ерости гидротермал сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан истеъмолга яроқли йод моддасини олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Каттакум-2», «Учқизил», «Кокайти» ва «Ўртабулоқ» қудуқлари ерости гидротермал сувларидаги йод бирикмаларининг кимёвий таркибини, физик-кимёвий хоссаларини ва ишлатилиш захираларини аниқлаш;

ерости гидротермал сувлари таркибидаги йодид ионларини турли оксидловчилар билан оксидлаш жараёнлари тадқиқотлари натижалари асосида йодид ионларининг оксидланиш кинетикасини тадқиқ этиш;

ерости гидротермал шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмаларни оксидлаш натижасида ҳосил бўлган молекуляр йодни ҳаво иштирокида десорбциялашнинг, ишқорли эритма билан абсорбциялашнинг, абсорбцион эритмани нордонлаштириш, ҳосил бўлган йодли бирикмаларни қайта оксидлаш ва молекуляр кристалл йодни ажратиб олишнинг технологик катталиклари ҳамда мақбул шароитларини аниқлаш;

лаборатория модел курилмасида ерости гидротермал шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмаларни водород пероксиди ва кальций гипохлорити билан оксидлаш, ҳосил бўлган молекуляр йодни ҳаво билан десорбциялаш, ишқорли эритма билан абсорбциялаш, кислотали муҳитда эритмани натрий нитрит билан оксидлаб кристаллаш йўли билан йод олишни синовдан ўтказиш;

саноат курилмаларида ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йод олишнинг такомиллашган технологиясини ишлаб чиқариш тажриба- саноат синовидан ўтказиш;

йод олишнинг таклиф этилаётган такомиллашган технологиясининг моддий балансини ҳисоблаш, технологик тизимини ва технологик регламентини тайёрлаш;

йод моддасини ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий ҳисобларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти ерости гидротермал сувлари таркибидаги турли шаклдаги йодли бирикмалар, бурғулаш сувлари, оксидловчилар: натрий персульфат, натрий нитрит, кальций гипохлорит, водород пероксид, сульфат кислота шунингдек, йодни ажратиб олишга қаратилган технологик жараёнлар, кимёвий усуллардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ерости шўр сувларидаги йод бирикмаларидан йодни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштириш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида ноорганик кимёнинг тажрибавий усуллари, титриметрик, потенциометрик титрлаш, УБ, кўринувчан соҳадаги спектрал анализ ва сканерловчи электрон микроскопия (элемент таҳлили) қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

«Каттақум-2», «Учқизил», «Кокайти» ва «Ўртабулок» қудуқлари ерости гидротермал сувларидаги йод бирикмалари миқдори ва тарқалиш шакллари аниқланган;

ерости гидротермал сувлари таркибидаги йодид ионларини турли оксидловчилар билан оксидлаш жараёнида йодид ионларининг оксидланиш кинетикаси исботланган;

йод тутган ерости гидротермал шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмаларни оксидлаш натижасида ҳосил бўлган молекуляр йодни дастлаб ҳаво билан десорбциялаш, сўнгра ишқорли эритма билан абсорбциялашнинг

мақбул шароитлари аниқланган;

технологик абсорбцион эритмани нордонлаштириш, ҳосил бўлган йодли бирикмаларни оксидлаш ва молекуляр йодни кристаллаш ҳамда уни ажратиб олишнинг технологик катталиклари асосланган;

таркибида йодли бирикмалар бўлган ерости гидротермал шўр сувлари асосида тиббиёт ва кимё саноати эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган йод олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маҳаллий хом ашё асосида импорт ўрнини босувчи йод моддасини ишлаб чиқаришнинг моддий баланси ва технологик схемаси ишлаб чиқилган, ҳамда жараённинг мақбул меъёрлари таклиф этилган;

ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олишнинг такомиллаштирилган технологияси «Жарқўрғоннефт» АЖда ҳамда «Косон нефт газ қидирув экспедицияси» МЧЖда тажриба ва саноат-тажриба синовларидан ўтказилди;

ишлаб чиқилган технология асосида Ўзбекистон Республикасида биринчи маротаба тиббиёт ва бошқа эҳтиёжлар учун йод ажратиб олинган;

йод сақлаган тиббиёт препаратларининг дастлабки намуналари меҳрибонлик уйларида берилган;

АООТ «Хаудаг»да саноат миқёсида йодни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё), физик-кимёвий усуллар (спектрофотометрик ва потенциометрик) ва сканерловчи электрон микроскопия (элемент таҳлили) таҳлил натижалари ва катталаштирилган тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади ҳамда таклиф этилган йод моддасини тиббиёт амалиётида қўллашга рухсат берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти йод сақлаган ерости шўр гидротермал сувларидан йод ва унинг бирикмаларини ажратиб олиш жараёнларини системалаштирилган илмий, кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотларни ўтказиш ва асосий қонуниятларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти илк маротаба йодни ерости шўр гидротермал сувларидан ажратиб олиш технологияси такомиллаштирилди ва йод моддасидан тиббиёт, кимё саноати эҳтиёжлари учун, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ноорганик моддалар технологияси мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлашдаги ўқув жараёнларида фойдаланишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий ерости шўр гидротермал сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олишнинг такомиллаштирилган технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олиш технологияси «Жарқўрғоннефт» акционерлик жамиятида амалиётга

жорий этилган («Ўзбекнефтогаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 17 апрелдаги № 02/12-1-78-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий ерости шўр гидротермал сувлар таркибидаги йодли бирикмаларни юқори иқтисодий самарадорлик билан қайта ишлаш асосида импорт ўрнини босувчи йод ишлаб чиқариш имконини берган;

ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олиш технологияси «Косон нефт газ қидирув экспедицияси» масъулияти чекланган жамиятида жорий этилган («Ўзбекнефтогаз» акциядорлик жамиятининг 2018 йил 17 апрелдаги № 02/12-1-78-сон маълумотномаси). Натижада ерости шўр гидротермал сувлари таркибидан йодид ионларининг оксидланиш даражаси 90%, десобрция даражаси 95% ва абсорбция даражаси 99% ҳамда тоза йод маҳсулотининг чиқиши 82,8% ташкил қилиши исботланган;

ерости шўр гидротермал сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни ажратиб олишнинг илмий натижалари А-12-ФҚ-17926-рақамли “Замонавий ядро-физикавий методлар ёрдамида гидрометаллургия корхоналари чиқинди эритмалари таркибидаги нодир металлларни концентрлаш ва ажратиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳада сорбентлар ёрдамида модели эритмалар таркибидаги йод ионларини сорбцион ажратишда, тўртламчи азот ва фосфор бирикмалари асосида экстрагентлар синтезида ҳамда улар ёрдамида ерости шўр сувлари таркибидаги йод ва унинг бирикмаларини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 22 декабрдаги ФТА-02-11/1349-сон маълумотномаси). Натижада ерости шўр сувлари таркибидаги йодли бирикмалардан йодни сорбцион ажратиш ва бойитиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 7 та мақола республика ва 6 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 181 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий

аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Йод ажратиш кимёси ва технологиясининг замонавий ҳолати ва айрим муаммолари”** номли биринчи боби адабиётлар шарҳи бўлиб, унда йодни миқдорий анализ қилиш усуллари ва уни олишнинг мавжуд технологиялари бўйича маълумотлар келтирилган, табиий муҳит манбаларидаги йод миқдори бўйича маълумотлар муҳокама ва таҳлил қилинган; замонавий аналитик услублар ва йод олишнинг технологик усуллари баён этилган ва мазкур масаланинг ҳозирги ҳолати бўйича ўтказилган таҳлил асосида ушбу диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг **“Ер ости сувларида йод миқдори ва мавжудлик шакллари аниқлаш”** номли иккинчи бобида Сурхондарё худуди гидротермал шўрланган ерости сувларидаги йод миқдорининг таҳлил натижалари, шунингдек, йод ва унинг бирикмаларининг мавжудлик шакллари аниқлаш бўйича натижалар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси катта ерости сувлари заҳираларига эга, улар қаторига нефт, газнинг йўлдош ва гидротермал сувлари киради. Бу сувлар Устюрт текислиги, Бухоро, Қарши, Сурхондарё артезиан сув ҳавзалари ва Фарғона водийси ҳудудларида жойлашган.

Фарғона водийсида кўплаб гидротермал манбалар мавжуд, жумладан, Чилион, Гуртепа, Шерсу, Бўстон ва бошқалар, Сурхондарё вилоятида эса юқори концентрациядаги водород сульфиди сақлаган сув манбалари аниқланган ва ўрганилган, уларнинг ҳосил бўлиши 300-3500 м чуқурликда жойлашган нефт қатламлари ва нефт ташувчи Хаудаг, Кокайти, Учқизил, Жайронхона ва бошқа ҳудудлардаги тоғ жинслари билан боғлиқ.

Сурхондарё сув ҳавзасидаги нефтга йўлдош сувларнинг кимёвий таҳлили ўтказилди, бунда Хаудаг, Кокайти манбаларининг 1 литр сувида 14,7-24,34 мг йод мавжудлиги, Учқизил ва Хаудаг манбаси “Каттақум-2” гидротермал сув қудуғи (70-75°C) сувларининг 1 литрида 20,7-21,3 мг йод бўлиши аниқланди. Бу сувларнинг рН қиймати 5,2-7,4 оралиғида, ҳарорати эса 25-40°C. Улардаги йод йодид, йодат ва органик моддалар билан бирикма шаклларида бўлади. Сувлардаги бром миқдори йодга нисбатан 15-20 ва бунданда кўпроқ маротаба ортиқ. Ушбу сувлар, шунингдек, кўп миқдорда натрий, кальций, калий, аммоний, магний, темир, стронций, бор, литий катионлари ва йод, бром, хлор, сульфат, нитрит, нитрат, карбонат ва бошқа анионлар сақлайди. Нефтга йўлдош ва гидротермал сувлар натрий-кальций-хлорид билан шўрланган. Кокайти манбаларининг йўлдош сувлари минералланиш даражаси 60,0-136,5 г/л, Хаудаг (марказий сув йиғгич) 178,6,, Каттақум-2да 219,7 ва Учқизилда 319,9 г/л ни ташкил этади.

Шу билан бирга, бу сувлар 0,010-0,020 мг/л оралиғидаги нафтен кислоталарини сақлайди. Шундай қилиб, ушбу сувлар таркиби ва элементлар миқдори билан бир биридан фарқ қилади. Шунинг учун нефтга йўлдош ва гидротермал сувлар таркибини ўрганиш улардан йод, бром ва бошқа

қимматли таркибий қисмларни ажратиб олиш технологияларини ишлаб чиқишда алоҳида аҳамият касб этади.

1-жадвал

Сурхондарё ва Бухоро-Қарши ҳавзаси ерости шўр сувлари кимёвий таркиби

Мин-лиги, мг/л	pH	T, °C	Захира, м³/сут.	Микдори, мг/л						
				I₂	Br₂	NaCl	KCl	CaCl₂	MgCl₂	FeCl₂
Хаудаг «Каттақум-2» ҳудуди ерости шўр сувлари										
210,0	6,3	72-76	414,8	21,32	426,4	142,8	4,2	48,3	10,94	2,1
Учкизил ҳудуди ерости шўр сувлари										
283,0	5,1	40	216,3	20,7	391,4	186,78	2,83	73,58	16,98	2,12
Кокайти ҳудуди ерости шўр сувлари										
142,9	6,7	39	785,4	17,4	313,2	100,03	2,14	27,15	10,29	2,43
Бухоро-Қарши ҳавзаси «Ўртабулок» ҳудуди ерости шўр сувлари										
113,0	6,8	45	9873	24,43	376	80,23	3,39	23,73	3,91	1,1

Сурхондарё ва Бухоро-Қарши ҳавзалари манбаларидаги гидротермал сувлар таркибини комплекс физик-кимёвий тадқиқ этиб олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Бундан кўриниб турибдики, тадқиқ этилган сувлардаги йод концентрацияси ҳам катта оралиқларда тебранади. Унинг энг катта концентрациялари Хаудаг («Каттақум-2») ва «Ўртабулок» манбаларига хос, йоднинг энг кам микдори - Кокайти манбасида учрайди. Нефт қудукларига йўлдош сувлардан йодни ажратиб олиш учун йод микдори ва унинг заҳиралари бўйича «Каттақум-2» ва «Ўртабулок» қудуғи энг истиқболли ҳисобланади.

Сурхондарё ва Бухоро-Қарши ҳавзаси гидротермал ерости сувларидаги йод бирикмалари микдори ва уларнинг ион шакллари батафсил ўрганилди. Йоднинг ўрганилаётган сувлардаги мавжудлик шакллари аниқлашда юқори сезгирликдаги физик-кимёвий таҳлил усулларида фойдаланилди. Мазкур бобда, шунингдек, йод ионлари ва оксидловчилар орасида содир бўладиган оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини ўрганиш натижалари ҳам муҳокама қилинган. Йод олиш мақсадида Сурхондарё ва Бухоро-Қарши ҳавзаларидаги ерости сувларини ўрганиш нефтга йўлдош ва гидротермал сувлар ҳисобига амалга оширилиши мумкин.

Олиб борилган кўп йиллик тадқиқотлардан аниқландики, ўрганилган ерости сувлари йод микдори ва унинг заҳиралари бўйича йодни саноат миқёсида ажратиб олиш учун ишлатилиши мумкин. Аммо ер ости сувларида йоднинг мавжудлик шакллари аниқлаш қизиқишга сабаб бўлди, чунки бундай маълумот шўрланган ерости сувларидан йодни ажратиб олишнинг қулай ва арзон технологик усулини танлаш ва уни такомиллаштириш имконини беради. Йод сақлаган гидротермал сувлардаги йоднинг турли

мавжудлик шакллари аниқлаш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Хаудаг манбаси “Каттакум-2” қудуғи гидротермал сувларидаги йоднинг турли шакллари миқдори


№	Ўрганилаётган сувдаги йод шакллари	Йод турли шаклларининг ўртача миқдори, (%)
1	Молекуляр йод (I_2)	7,3
2	Йодид (I^-)	69,7
3	Йодат (IO_3^-)	13,9
4	Йод хлориди (I^+)	9,3

2-жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, ўрганилган сувлардаги йод асосан йодид (69,7%) ва йодат (13,9%) шаклларида учрайди. Молекуляр йод ва йод хлориди сезиларли даражада кам (мос равишда 7,3% ва 9,3%).

Хаудаг манбаси “Каттакум-2” қудуғи ерости гидротермал сувларидаги йоднинг турли шакллари миқдорини аниқлаш бўйича олиб борилган тажрибавий маълумотлар йодни ҳаво-десорбция усулида ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш учун қўлланилди.

Диссертациянинг **“Гидротермал сувлар ва абсорбент эритмаларидан йод ажратиб олиш механизми ва кинетикасини тадқиқ этиш”** номли учинчи бобида Сурхондарё худудининг шўрланган ерости гидротермал сувларидаги йодид ионлари ва йод бирикмаларининг оксидланиш механизми ва кинетикасини ўрганиш натижалари келтирилган.

Ерости гидротермал сувларидан йодни ҳаво-десорбция усули билан ажратиб олишда йод сақлаган сувни кислотали муҳитга ўтказилади, сўнгра йод бирикмаларини суяқ ёки газсимон хлор ёрдамида оксидланади. Аммо ҳозирда республикада суяқ хлор ишлаб чиқарилмаслиги сабабли бу технологик жараён экологик ва иқтисодий талабларга жавоб бермайди. Ерости шўр сувлардан йодни технологик ажратиб олиш учун турли реагентларнинг оксидловчи хоссаларини баҳолаш мақсадида физик-кимёвий тадқиқотлар ўтказилди. Гидротермал йод сақлаган сувлардаги йод бирикмаларини оксидлаш учун қуйидаги оксидловчилар танлаб олинди: $Na_2S_2O_8$, $NaNO_2$, H_2O_2 , $Ca(ClO)_2$. Ўрганилаётган сувнинг 50 мл ҳажмидаги йод бирикмаларини тўлиқ оксидлаш учун 2%-ли $Na_2S_2O_8$ ва $NaNO_2$ эритмаларидан 0,3-0,4 мл талаб этилади, бундан кўринадик, бир хил концентрацияли $Na_2S_2O_8$ ва $NaNO_2$ эритмаларининг сўнггиси кучлироқ оксидловчи ҳисобланади. Шу билан бирга, ўрганилаётган 50 мл сувдаги йод бирикмаларини тўлиқ оксидлаш учун 5%-ли H_2O_2 эритмасидан 0,2-0,25 мл талаб этилади. Йоднинг оксидловчиси сифатида кальций гипохлорити ҳам синовдан ўтказилган.



Йодидни кальций гипохлорити билан оксидлаш реакцияси хлорга нисбатан секинроқ содир бўлади ва диффузион назорат қилинади. Оксидланиш реакцияси жараёни вақтининг камайиши ҳам элементар йод чиқишини оширади (94 дан

97% гача) ва оксидловчи сарфани камайтиради, аммо бу йодидни хлорли сув билан оксидлашдагидек даражада бўлмайди.


Олинган натижалар ўрганилаётган йод сақловчи сувлардаги йод бирикмаларини тўлиқ оксидлаш учун 0,2%-ли $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ эритмасидан 0,4-0,45 мл талаб этилишини кўрсатди. Оксидловчи концентрациясининг қисман ортиши ҳам сўнгги маҳсулот – йод концентрациясининг камайишига олиб келади, бу йоднинг йодид шаклидан йодат шаклига ўтиши билан боғлиқ.

Шунингдек, Ўртабулоқ, Кокайти, Хаудаг ва Учқизил манбалари учун минераллашган сувлардан йодни ажратишда оксидловчи сарфи ва туз миқдори орасидаги боғлиқлик тадқиқ этилди. Тадқиқ этилаётган йод сақлаган сувлардаги йод бирикмаларини тўлиқ оксидлаш учун талаб этиладиган оксидловчи эритмалари миқдори ва сульфат кислотаси сувнинг минералланиш даражасига боғлиқ.


3-жадвал

Минераллашган сувлардан йодни ажратишда оксидловчи сарфи ва туз миқдори орасидаги боғлиқлик ($V=50$ мл)

№	Манба номи	Сувнинг минералланиши, г/л	2 % H_2SO_4 хажми, мл	Оксидловчилар хажми, мл			
				2% $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_8$	2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$	2% NaNO_2	5% H_2O_2
1	Ўртабулоқ	113	0,132	0,20	0,154	0,120	0,074
2	Кокайти	142	0,166	0,29	0,225	0,175	0,124
3	Хаудаг	210	0,245	0,37	0,287	0,223	0,138
4	Учқизил	283	0,330	0,55	0,450	0,350	0,225



1-расм. Йод олишда оксидловчилар сарфига минераллашган сувдаги тузлар миқдорининг таъсири:
1- 2% $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_8$; 2- 2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$;
3- 2% NaNO_2 ; 4- 5 % H_2O_2



2-расм. Йод олишда 2%-ли сульфат кислота сарфига минераллашган сувдаги тузлар миқдорининг таъсири

Тадқиқотларда олинган натижалар 3-жадвалда ва 1-2-расмларда

келтирилган. Шунингдек, қўлланиладиган оксидловчи эритмаларининг сарфи сульфат кислота сарфи билан мос равишда қуйидагича стехиометрик нисбатларда боғланган:

1. 2% $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_8$ - 0,20 мл; 2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ - 0,154 мл; 2% NaNO_2 - 0,120 мл; 5% H_2O_2 - 0,074 мл.

2. 2% $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_8$ - 0,29 мл; 2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ - 0,225 мл; 2% NaNO_2 - 0,175 мл; 5% H_2O_2 - 0,124 мл.

3. 2% $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_8$ - 0,370 мл; 2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ - 0,287 мл; 2% NaNO_2 - 0,223 мл; 5% H_2O_2 - 0,138 мл.


4. 2% $\text{Na}_2\text{S}_2\text{O}_8$ - 0,550 мл; 2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ - 0,450 мл; 2% NaNO_2 - 0,350 мл; 5% H_2O_2 - 0,225 мл.

Шундай қилиб, мазкур изланишларда тадқиқ этилган манбалардаги ерости гидротермал сувлари минералланишининг 113 г/л дан 283 г/л га қадар ортиб бориши оксидловчи эритмалари ва сульфат кислота сарф микдорига пропорционал равишда боғланганлиги исботланди, яъни оксидловчилар сарфи 2,5 марта, сульфат кислота сарфи эса 1,5 марта ортади.


Олинган натижалар гидротермал ерости сувларидан ҳаво-десорбция усулида йод олиш технологик схемасини ишлаб чиқишга асос бўлиб хизмат қилади.

Йодид ионларининг натрий нитрити, кальций гипохлорити ва водород пероксида иштирокида оксидланиш кинетикаси ҳақида маълумот олиш учун йодид ионларининг бошланғич концентрацияси 21,32 мг/л бўлган модел сув эритмаларининг 50 мл ҳажмини оксидловчиларнинг турли нисбатларида 20°C да оксидланиши амалга оширилди.

Оксидланган йодид ионларининг унуми ҳосил бўлган молекуляр йодни хлороформ фазасига экстракция қилиш йўли билан аниқланди ва у методика бўйича натрий тиосульфат билан титрлаш орқали аниқланди. Олинган маълумотлар 3-5-расмларда келтирилган.




3-расм. Сувли эритмада 2% NaNO_2 иштирокида йод ионларининг оксидланиш кинетикаси. NaNO_2 ҳажми, мл:
1-0,6; 2-0,8; 3-1,0; 4-1,2



4-расм. Сувли эритмада 2% $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ иштирокида йод ионларининг оксидланиш кинетикаси. $\text{Ca}(\text{ClO})_2$ ҳажми, мл:
1-1; 2-2; 3-3; 4-4

Бу маълумотлар таҳлили, йодид ионларининг энг юқори оксидланиш

тезлиги водород пероксида (15-20 мин), шунингдек, натрий нитрити (20-25 мин) ва кальций гипохлорити (25-30 мин) қўлланилганда кузатилишини кўрсатди.



5-расм. Сувли эритмада 5 % H_2O_2 ишгирокида йод ионларининг окисланиш кинетикаси. H_2O_2 ҳажми, мл: 1-0,2; 2-0,4; 3-0,6; 4-0,8

Бунда оксидловчилар концентрациясининг ўзгариши окисланиш реакциясининг тезлигига деярли таъсир қилмайди. Ҳароратнинг ҳар 10°C га ортишида реакция тезлигининг 2-4 маротаба ошишини ҳисобга олган ҳолда, 70°C даги окисланиш реакцияси (ишлатилаётган хом ашё сувининг ҳарорати) десорбцион колонканинг юқори қисмида 0,5-0,8 мин. ичида амалга ошади.

Олинган маълумотлар йодид ионларининг окисланиш реакцияси тезлиги молекуляр

йоднинг йодатгача окисланиши реакцияси тезлигига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлишини кўрсатади, натижада эса молекуляр йоднинг ҳаво фазасига десорбцияси етарлича тўлиқ амалга ошади (94% гача).


Абсорбент эритмаларидан йодни чўктиришнинг муқобил шароитларини топиш мақсадида бу жараён потенциометрик ва спектрал усулларда ўрганилди. Бошқа усуллар қаторида (спектрофотометрик, сорбцион ва б.) потенциометрик тадқиқот усули йодни сувли муҳитдан ҳаво десорбцияси, экстракция ва чўктириш усуллари билан ажратишда йод ионлари ва оксидловчилар орасида содир бўладиган окисланиш-қайтарилиш жараёнларининг механизмларини аниқлаш имконини беради.

Абсорбент эритмаларини потенциометрик титрлаш йодни чўктириш шароитини аниқлашга имкон беради: pH ва ишлатиладиган оксидловчи. Модел эритмалар сифатида концентрациялари 4,8,12 ва 16 г/л бўлган калий йодиди ва йодати эритмалари, уларнинг аралашмалари, шунингдек, H_2SO_4 эритмалари билан турли pH қийматларигача нордонлаштириладиган завод абсорбенти қўлланилди. Оксидловчи сифатида натрий нитрити ишлатилди. Эксперимент натижасида pH=4 ва ундан юқори қийматларгача йодид ионлари нитрат билан ҳам, йодат билан ҳам окисланмаслиги аниқланди. Эритмалар pH қийматининг 3,5 дан пастга тушиши йодни тўлиқ ажратиш жараёнига деярли таъсир қилмайди (абсорбент эритмалари ва модел эритмаларда йоднинг қолдиқ миқдори 318 мг/л дан 326 мг/л гача абсорбент эритмаларида ва 279 дан 388 мг/л гача модел эритмаларда тебранади). Абсорбент эритмалари ва модел эритмаларда йоднинг қолдиқ миқдори ўрганилган таркибли ва pH қийматларига эга шўрланган сувларда йоднинг эрувчанлик чегараси билан тушунтирилади.


Абсорбент эритмаларидан йодни ажратишда содир бўладиган

оксидланиш-қайтарилиш жараёнларини спектрофотометрик тадқиқот натижалари 6-расмда келтирилган бўлиб, ўлчашлар оптик зичликнинг чегаравий қийматлари оралиғида олиб борилди. 6-расмда келтирилган маълумотлардан кўринадики, йодид (I^-) ва полийодидлар (I_3^-) эритмалари оптик зичликларининг максимумлари тўлқин узунлигининг 225 нм қийматига мос келади, уни шу эритмаларни калибровка қилиш учун ишлатиш мумкин. Модел абсорбент эритмаси сифатида таркибида 12 г/л йод сақлаган NaOH нинг 5%-ли эритмаси 100 ва 1000 мартаба суюлтирилган ҳолда ишлатилди. Молекуляр йодни ажратиш жараёнидаги оксидланиш-қайтарилиш реакциялари СФ-26 спектрофотометрини қўллаган ҳолда спектрофотометрик усулда ультрабинафша соҳада ўрганилди. Ютилиш спектрларини қайд этиш 215-340 нм оралиғида қалинлиги 1 см бўлган кюветада олиб борилди. Модел намуналар сифатида тозаллиги «КТ» маркада бўлган стандарт реагентларнинг эритмалари: йодид ионлари учун KI (0.25 мг/л) эритмаси, йодат-ионлари учун KIO_3 (0,22 мг/л) эритмаси, I_3^- -учун $KI+I_2$ (1,42 мг/л) фиксанали ва молекуляр йод учун – кристалл йоднинг сувдаги 0,28 мг/л эритмаси ишлатилди. Солиштириш эритмаси сифатида дистилланган сув қўлланилди. Олинган абсорбент эритмалари уларни H_2SO_4 билан нордонлаштирилган ҳолда тадқиқ этилди (суюлтириш 1:4). Кўрсатилган эритмаларнинг УБ-соҳадаги ютилиш маълумотлари 6-7-расмларда келтирилган.

6-расмдаги 1 эгри чизиги – 1000 мартаба суюлтирилган ва кювета қалинлиги 1 см бўлган абсорбентнинг модел эритмасидаги ютилиш.



6-расм. Йодид-, йодат-, полийодид-ионлари модел эритмалари ва молекуляр йоднинг УБ-соҳадаги ютилиш спектрлари




7-расм. Абсорбентнинг сульфат кислотасиз (1 эгри чизик) ва унинг иштирокида (2-6 эгри чизиклар) УБ-соҳадаги ютилиш спектрлари


Солиштирма эритма - 1000 мартаба суюлтирилган ва кювета қалинлиги 1 см бўлган 5%-ли NaOH эритмаси. 2-эгри чизик - 1000 мартаба суюлтирилган + 0,1 мл H_2SO_4 (суюлтириш 1:4) 100 мл эритмага ва кювета қалинлиги 1 см бўлган абсорбентнинг модел эритмасидаги ютилиш

солиштирма эритма - 1000 маротаба суюлтирилган ва кювета қалинлиги 1 см бўлган 5%-ли NaOH эритмаси + 0,1 мл H_2SO_4 (1:4) 100 мл эритмага. 3-эгри чизик – 1000 маротаба суюлтирилган + 0,1 мл H_2SO_4 100 мл эритмага ва кювета қалинлиги 1 см бўлган абсорбентнинг модел эритмасидаги ютилиш. Солиштирма эритма - 1 ва 2 солиштирма эритмаларининг аналоги. 4-эгри чизик 100 маротаба суюлтириш + 2 мл H_2SO_4 (1:4) 100 мл эритмага абсорбентнинг модел эритмасидаги ютилиш. Солиштирма эритма – 100 маротаба суюлтириш + 2 мл H_2SO_4 (1:4) 100 мл эритмага ва қават қалинлиги 1 см бўлган 1 ва 2 эритмаларининг аналоги. 5-эгри чизик – абсорбент эритмасидаги ютилиш, 4-нуқта + 2 мл H_2SO_4 (1:4) 100 мл эритмага ва қават қалинлиги 1 см. Солиштирма эритма – 4-нуқта аналоги + 2 мл H_2SO_4 . 6-эгри чизик – абсорбент эритмасидаги ютилиш, 5-нуқта + 2 мл H_2SO_4 (1:4) 100 мл эритмага ва қават қалинлиги 1 см. Солиштирма эритма – 5-нуқта аналоги + 2 мл H_2SO_4 (1:4).


Олинган маълумотлар абсорбентнинг дастлабки эритмаси асосан йодид ионлари сақлаганлигини кўрсатади (1-эгри чизик). Биринчи партия H_2SO_4 қўшилганида эритманинг бошланғич ҳолати ўзгармайди, чунки сульфат кислотаси фақатгина нейтраллашга сарфланади (2-эгри чизик). Сульфат кислотанинг кейинги қўшилиши элементар йод ҳосил бўлишига олиб келади, у полигалогенидлар I_3 ҳосил қилади ва йодид ионлари билан мувозанатда бўлади (3-эгри чизик). Шубҳасиз, молекуляр йод ҳосил бўлиш реакцияси фақатгина сульфат ионлари қайтарилиши ҳисобига амалга ошиши мумкин:



Кейинги сульфат кислота қўшилиши йодид ионлари ва полигалогенидлар орасидаги мувозанатнинг: $\text{I}_2 + \text{I}^- = [\text{I}_3]$ бузилиши ҳисобига элементар йод унумининг ортишига олиб келади (4, 5, 6 эгри чизиклар). 5-эритманинг ғуборланиши сульфат ионларининг сульфит ионларигача қайтарилиши тегишли тузнинг кристалланишига олиб келиши билан тушунтирилиши мумкин:



Эритма оптик зичлигининг кейинги камайиши йодид ионларининг йодат ионларигача қайта оксидланиши содир бўлишини кўрсатади:



Ушбу маълумотлар йодни тўла чўктириш жараёнига эритма нордонлигининг таъсири бўйича олдинги олинган натижалар (2 мл 2%-ли натрий нитрити ишлатилган) билан мос келади. Илгари йодни ажратиш учун тавсия этилган натрий нитритнинг (2% NaNO_2) оксидловчи хоссаларини тадқиқ этиш учун олдингиларига ўхшаш бўлган NaNO_2 қўшилган турли суюлтириш даражасидаги абсорбент эритмаларининг ютилиш спектрлари ўрганилди. Бу маълумотлар оксидланиш жараёнини технологик назорат қилишда ва йодид ионларидан йодни ажратишда чиқинди сув оптик зичлиги ўзгаришини доимий назорат қилиш йўли орқали қўлланилиши мумкин, бу йод ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш имконини беради.

Потенциометрик титрлаш усулини қўллаган ҳолда абсорбентдаги йоднинг миқдори ва мавжудлик шакллари ўрганилди. Тадқиқотлар элементар

йодни унинг концентрацияси 0,354 г/л бўлган ҳолда абсорбентдан чўктирилганидан кейин олиб борилди. Эркин йод концентрациясини унинг умумий концентрацияси ва боғланган шакллари концентрацияси орасидаги фарқ орқали ҳисобланди:

$$X_{I_2} = X_{\text{общ}} + X_{I^-} + X_{IO_3^-} + X_{I^+}$$

4-жадвал

Ишчи эритмалардан элементар йод чўктирилганидан кейинги абсорбентларда йоднинг турли шакллари миқдори

№	Йод шакллари	Йод шакллариинг ўртача миқдори (%)
1	Молекуляр йод (I_2)	85,6
2	Йодид (I^-)	3,2
3	Йодат (IO_3^-)	9,1
4	Йод хлориди (I^{+1})	2,1

4-жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқ этилган ишчи эритмаларда $pH=3$ бўлганида йод асосан молекуляр йод шаклида мавжуд бўлади (85,6%), унга йўлдош ҳолда йодид ионлари (3,2%), йодат (9,1%) ва йод хлориди (2,1%) учрайди. Йоднинг барча шакллари эритмада бир вақтнинг ўзида фақатгина йодатларнинг оксидловчи хоссалари кескин камайган ишқорий муҳитда сақлаш имкони бўлади. Олинган маълумотлар турли физик-кимёвий усулларда йод пастасини тозалаш усулини танлаш учун муҳимдир.

Кучланиш 0,250 В дан юқори ва pH 5-3 ва ундан кам бўлганида элементар йод ажралишининг бошланиши тадқиқотларда қайд этилди. Бунда одатда эритма қизғиш ёки жигар ранг тусланувчи қорамтир-қизил рангга киради, бу эритмада йоднинг бошқа ионлар билан комплекс бирикмалари ҳосил бўлганлигини кўрсатади.

Шундай қилиб, ишқорий йод сақлаган эритмаларни потенциометрик титрлаш усули билан муҳит pH нинг турли қийматларида оксидловчилар иштирокида йод ионларининг ҳар хил шакллари ҳосил бўлиши кўрсатиб берилди. Бу шаклларнинг нисбий таркиби муҳитнинг pH қиймати, эритмадаги оксидловчи тури ва концентрациясига боғлиқ бўлади. Бу усулни қўлланилганда маълум кучланишларда йоднинг турли шакллари ҳосил бўлиш имконияти кўрсатиб берилди.

Диссертациянинг «Гидротермал сувлардан йод олишнинг ҳаво-десорбция технологик усулини такомиллаштириш» номли тўртинчи бобида Сурхондарё вилоятидаги Хаудаг манбаси гидротермал ерости сувларидан йод олишнинг ҳаво-десорбция технологик усулини такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий тадқиқотларнинг натижалари ва ушбу технологияда қўлланилган технологик жиҳозларни такомиллаштириш маълумотлари келтирилган.

Қайд этиш лозимки, ўрганилаётган сувларнинг ижобий физик-кимёвий хоссалари, жумладан, босим (28 атм), ҳарорат ($76^{\circ}C$) ва минералланишнинг (220 г/л) юқори кўрсаткичлари ерости шўр сувларида мавжуд бўлган йод бирикмаларидан йодни ажратиш технологиясини такомиллаштириш

мумкинлигини асослаб беради. Такомиллаштирилган ҳаво-десорбция усулида йод олиш жараёни қуйидаги технологик босқичлар кетма-кетлигини ўз ичига олади:

- қазилма сувни аралаштиргичга киритиш, уни $pH = 3-3,5$ гача нордонлаштириш;

- йодид ионларини кальций гипохлорит эритмаси билан молекуляр йодгача оксидлаш;

- молекуляр йодни ҳаво билан десорбция қилиш;

- йодни ишқор эритмасига юттириш (абсорбция);


- абсорбент концентратидан йодни чўктириш;

- йод пастасини филтрлаш;

- тайёр маҳсулотни тозалаш, жойлаш ва қадоқлаш.

Йод сакловчи сувлардан йодни ажратишнинг такомиллаштирилган ҳаво-десорбция усули технологик схемаси 8-расмда, тадқиқ этилаётган сувлардан йод олиш бўйича дастлабки технологик маълумотлар 5-жадвалда келтирилган.

Дастлабки қазилма сув қазиш кудукларидан узлуксиз равишда қабул қилувчи сизимга келади (1-ҳолат), ундан кейин аралаштиргичга узатилади (2-ҳолат), аралаштиргичдаги сув 3-сизимдан келадиган концентранган сульфат кислота билан $pH=3,5-3,8$ гача нордонлаштирилади, сўнгра аралаштиргичнинг нордон эритмасига йодид ионларини оксидлаш учун кетма-кет водород пероксиди ёки кальций гипохлорит узатилади.



8-расм. Гидротермал ерости сувларидан ҳаво-десорбция усулида йод олиш технологиясининг ускуналари схемаси

1- қабул қилувчи сизим; 2- аралаштиргич; 3- сульфат кислота учун сизим; 4- кальций гипохлорит учун сизим; 5, 10- насослар; 6- десорбцион колонна; 7-вентилятор; 8- нейтрализатор; 9- абсорбент учун сизим; 11- абсорбцион колонна; 12- кристаллизатор; 13- нутч-филтр; 14- йодни суяқлантириш учун реактор; 15- тайёр маҳсулот учун сизим.

Кислота узатиш pH -метр кўрсатгичи бўйича бошқарилади,

йодидларнинг оксидланиши йиғма сув таҳлили билан назорат қилинади (8-ҳолат), бунда йодидларнинг қолдиқ концентрацияси 1-1,5 мг/л атрофида ушлаб турилади.

Йодидлар микдорининг нолгача камайиши йодидларнинг йодатларгача оксидланиши бошланганлигидан далолат беради. Сўнгра реакцион аралашма марказдан қочма насос (5-ҳолат) ёрдамида 2,1-2,2 м³/соат тезлик билан десорбцион колонка оросителига узатилади (6-ҳолат). Десорберда эндиликда эркин элементар йод (I₂) сақловчи нордонлаштирилган ва оксидланган қазилма сув насадкалар орқали пастга оқади. Насадкаларни суғориш зичлиги 40-60м³/м² соат атрофида ушлаб турилади. Десорбцион колонка остидан қарши оқим билан ҳаво берилади.

5-жадвал

Тадқиқ этилаётган сувлардан йод олиш бўйича дастлабки технологик маълумотлар

№	Технологик босқич	Жараён содир бўладиган ускуна	Муҳит номи	Каттали к номи	Технологик катталиклар			
					Ишчи қиймати	Рухсат этилган диапазон	Назорат нуқтаси	Автомат схемаси
1	Хом ашёни киритиш	Даст. қазилма сув киритиш	Даст. қазилма сув	Сарф, м ³	2,1м ³ /соат	2,08-2,12	Узатиш ёки чиқариш линияси	Сув ҳисоблагич
2	Дастлабки сувни нордонлаштириш	Даст. қазилма сув киритиш	Сульфат кислота	л/соат	0,112	0,110-0,115	5-Насос олди ва йиғимда	pH=3, pH=3,2-3,5
3	Ca(ClO) ₂ билан оксидлаш	Дастлабки қазилма сувнинг узатилиш линияси	Оксидловчи, нордон. сув	Сарф кг/соат	0,01058 кг/соат	0,01058-0,01060	Десорбер дан чиқариш	Қолдиқ Г ни сақлаш =1,0-1,5 мг/л
4	Йод десорбцияси	Десорбер	Нордон. сув, йод	Чиқинд и сувдаги йод	Эркин йод йўқлиги	1,0-1,5 мг/л	Десорбер дан чиқариш	Г микдорининг таҳлили =1-1,5 мг/л
5	Йод абсорбцияси	Абсорбер айланувчи сифими.	Йодидларнинг ишқордаги NaOH	pH=8-9 NaOH	NaOH=5 %	4-5%	Циркул. сифимдан	Ҳар соатда йодидлар концентрациясининг ва pH pH8-9
6	Йодни ажратиш	Кристаллизатор	Йодидлар эритмаси	pH	4,0	3,5-4,0	Кристаллизатор	pH=2,9-3,0 гача H ₂ SO ₄ қўшиш
7	Чиқиндини нейтраллаш	Нейтрализатор	Чиқинди сув	pH	9,0	8-9	Нейтрализатордан	pH=8-9 гача оҳак қўшиш

